

● Фарғонада “Энг намунали оила” кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жағмармаси вилоят бўлимлари, бир қатор бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шахар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 18 оила иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 17 мартдаги “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ўтган 6 ой мобайнида мамлакатимиз миқёсида 6 миллион 130 мингдан ортиқ хонадон ўрганилиб, 2 триллион 6,8 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, 28 минг 743 кам таъминланган оилага 89,9 миллиард сўм миқдорида кредитлар тақдим этилди. Пировардида кўплаб тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, юзлаб иш ўрни ташкил этилди.

Ойбек аканинг орзуси ушалди

Баҳор яқинлашиб келарди. Нуроталик Ойбек Чиниқулловнинг хаёли бу йил томорқасига нима экиш билан банд. Адирдаги 20 сотих жойга ўтган йили ток кўчатларини ўтказганди. Кунлар илиши билан уларнинг тагини юмшатиш керак, гуркираб ўссин, кейинги йил ҳосилга киради.

Барра пиёз ўстираман, деб ўйлади у. Бозорда бир боғи фалон сўм. Ер бўлса бор, кейин ўрнига картошка экаман. Аммо, нега шу пиёзнини қишда экмадим-а? Иссиқхона бўлсайди! Бунинг учун қанча маблағ керак?

Ойбек ака қишнинг узун бир тунида иссиқхонага зарур анжомлар, керакли харажатларни хомчўт қилди. Ўн миллион сўмча сарфлаш лозим. Ўтган йилги ҳосил даромадининг қиши билан чўғи кам қолган, бунча пулни қаердан олади? У шу йил билан юрганида кўклам келди. Дехқончилик ишлари авжида. Режадагидек, тоқларнинг тагини юмшатди, барра пиёз, кўчатлар экди, бошқа экинлар учун жой ҳозирлади. Шундай кунларнинг бирида телевизорда Президентимизнинг жорий йил 17 мартдаги “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ўқиб эшиттирилди.

Қарор билан батафсил танишиб чиққач, туман марказига ошиқди. Банк ходимлари билан маслаҳатлашди, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди, иссиқхона учун зарур миқдорда кредит ажратилди... Ҳозир Ойбек аканинг иши авжида.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юқорида қайд этилган қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли амалий чора-тадбирларнинг бир кўриниши холос. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сон ва сифат фаровонликка хизмат қилмоқда

Дарҳақиқат, мазкур қарор мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, ўз бизнесини йўлга қўйиш истигада юрган фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қарор мазмун-моҳиятига кенгроқ тўхталсак, мамлакатимизда аҳоли турмуши фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги намоён бўлган жиҳатлар янада муҳим.

Қарор ва ижро

МИКРОКРЕДИТЛАШДА ЯНГИ ТИЗИМ: СОДДАЛАШТИРИЛГАН УСУЛ, ФЙДАЛАНИЛГАН ИМКОНИАТЛАР

Қарорга асосан тижорат банклари томонидан микрокредитлар янгидан давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорларга олинган товарларни гаровда сақлаган ҳолда энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача берилди. Микрокредитлашнинг янги тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирокчига айланди. Эндиликда улар кафилиги билан фуқароларга тадбиркорлик учун энг кам иш ҳақининг 60 бараваригача микрокредит ажратилди. Бунда ҳам албатта олинган товарлар гаровда сақланиши кўзда тутилган. Бу, албатта, тадбиркорлар ва аҳолининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиши янада соддалаштирмоқда.

Шу ўринда банкларнинг аҳолини кредитлаш манбалари қандай шаклланади, деган савол туғилиши табиий.

Марказий банк матбуот хизмати маълумотича, мамлакатимиз тижорат банкларида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси мавжуд. Уларда аҳолининг кредитга бўлган эҳтиё-

жи учун зарур маблағлар жамланиб борилади. Бундан ташқари, қарорда маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиқда қатор вазифаларни бажариши белгиланган. Жумладан, улар банкларнинг кредитлари хисобидан харид қилинган қорамол, қўй, эчки, қуён, парранда, балиқ, асалари оилалари, мевали дарахтлар, узум кўчатлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, турли маиший техникалар, асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг ҳеч қандай чекловларсиз пул ўтказиш йўли билан етказиб берилишини таъминлашлари лозим. Бу эса нақд бўлмаган маблағлар фаоллигини таъминлайди.

Қарорда банклардаги Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 47 узоқ ва бориш қийин бўлган, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда яшайдиган якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда кредит ажратилиши ҳам белгиланган бўлибди.

Бугунги кунда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб тасдиқланган низомга асосан тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, миллий хунармандларга давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб олти ой мобайнида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш

учун энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорида бир йиллик имтиёзли давр билан уч йил муддатга берилиши жорий қилинди.

Иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида, мамлакатимиз ҳудудларида фаолият қўрсатаётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 6 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 бараварга ошиб, 10,2 триллион сўми ташкил этди. Шундан, 2,3 триллион сўми кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, у ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баравардан зиёдга ошди.

Улугбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири

ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги куннинг замонавий аёли ҳақида сўз борганда дадил, ишбилармон замондошларимиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Бунга сабаб кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларнинг ўз бизнесини юритишга иштиёқи ҳам, имконияти ҳам сезиларли даражада ўсмоқда. Уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, кенг миқёсда банк кредитлари берилмоқда.

Аҳолини тадбиркор қилиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бугун кўплаб оилалар ўз даромадига эга бўлиб бораётди. Мисол учун, жорий йилнинг қишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 150 миллион сўм сармоа олиб иш бошлаган Ҳилола Раззокова бугун ўз бизнесига эга. “Ҳилолада тансиқ таомлар” оилавий корхонасида мазали пиширилган, иссиқ таомлар, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Қисқа фурсатда бизнесдан фойда олиш мумкинми? Олинган кредитни қайтаришда қандайдир муаммо ва қийинчиликлар бўлмаяптими? каби саволларимизга Ҳилолаҳон ҳар бир юмуш ўз вақтида ва меҳр билан бажарилса, ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги, кредитни эса ўз вақтида қайтаришда ҳеч қандай қийинчилик бўлмаётганини маълум қилди.

– Ярим тайёр маҳсулотларимизга – хамирдан тортиб, котлетлар, блинчиклар, дўлмалар, чучваралар, сузмали чучваралар, қиймали булғор қалампирлари киради, – дейди тадбиркор аёл. – Ҳар бир истеъмолчи ярим тайёр маҳсулотларни танлашда хамирнинг рангига эътибор қаратиши лозим. Одатда хамир сариқ рангда бўлиши керак. Бу унинг таркибиде тухумнинг қўлгиладан далолатдир. Биз ҳозирда ҳамма бирдек севиб истеъмол қиладиган чучвараларни экспортга чиқариш ҳаракатидамиз.

Тарихий манбаларда қайд этилган “хамирли кулоқ” маъносини билдирган чучвара сўзи удмурд лагчасидан олин-

ган бўлиб, уни бугунги кунда калория ва витаминларга бой таом сифатида кўплаб мамлакатларнинг таомномасида учратиш мумкин. Одатда, мутахассислар чучвараларни бир ҳафтада 300 грамм истеъмол қилишни тавсия қилдилар. Чучваралар уй бекалари учун қулай, вақтни тежасли, қайнатилса ёки қовурилса бас – овқат тайёр.

“Ҳилолада тансиқ таомлар” оилавий корхонасида ярим тайёр маҳсулотларни музлатиш икки турда, анъанавий ва “шок ҳолати”да амалга оширилади. Анъанавий усул уч босқичда кечади, яъни аввал маҳсулот минус 5 даражада совутилади. Кейин маҳсулотдаги сувоқлик тез ажратилиб, қаттиқ фазага ўтилади. Учинчи босқичда эса маҳсулот минус 18 даражада совутилади. “Шок ҳолати”даги музлатиш нисбатан самарали бўлиб, унда маҳсулот минус 35 даражада совутилади. Шу боис унинг таъми сақланади.

Ҳозирги кунда тадбиркор ана шу ярим тайёр маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳаракатида. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилган. Яъни Канададаги синон тариқасида юборилган, турли ҳажмда қадокланган 40 килограмм чучвара ўз харидорларини тоғди. Эндиликда интернет орқали савдони йўлга қўйиш чоралари кўриломоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда ўз имкониятларини сынаб кўриш, тадбиркорлик ҳаракати билан шуғулланиш, шу асосда янги ишчи ўринлари яратиш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтиёр этганларга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Зиёда ВОХИДОВА



ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Учтепа туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича давлат бошқаруви, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳ томонидан жиноятлар сабаблари ўрганилиб, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бу ўринда асосий эътибор муқаддас суднинг қарарлари, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахслар ва фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган нотинч оилаларга қаратилган. Мавжуд ҳолатлар тумандаги 60 та маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида таҳлил қилиниб, ишлар кўлами белгиланган.

Ишчи гуруҳ аъзолари бўлган туман ҳокими, прокурори, ички ишлар ва солиқ бўлими раҳбарларига бўлиб, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар, тарбияси оғир ўсмирлар билан суҳбат ўтказиш билан чекланиб қолмасдан одамларни ишга, мактаб ва коллежга жойлашти-

риш, соғлом ёшда кўрсатиш, модломлаштириш ва бошқа масалаларни аниқлаб, туман ишчи гуруҳи масъулари кўмағида ҳал қилишга эришмоқдалар.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда суд минбаридан фойдаланиш мақсадида туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан 40 дан ортиқ иш сайёр судларда қўрилди.

Фуқаро Бахтиёр Досмухамедов 2017 йил 10 май кунги оғирлиги 6,67 грамм бўлган марихуана моддасини олиб югани аниқланган. Б. Досмухамедовга Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши “Беҳшарирағо” маҳалласидаги 116-сонли мактаб биносида сайёр суд мажлисида қўриб чиқилиб, унга 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаш белгиланган.

Шунингдек, Жасур Абдураимов ва Мухаммад Сиддиқ Шукуровлар 2017 йил Уккош кўчасида қолдирилган “Нексия” автомашинасидан

ноутбук 2 ярим млн. сўмлик намуна ва 100 минг сўм пулни ўғирлашган. Бу жиноят иши ҳам сайёр суд тартибда қўриб чиқилди. Суд судланувчиларнинг оилавий аҳоли, ўғирланган буюмларни қайтарганлиги, маҳалла ва ўқув муассасаси кафилигини инобатга олиб, Ж. Абдураимовга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари ва М. Шукуровга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида жарима жазоси белгиланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида туманда ўғирлик, гиёҳвандлик воситаси билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш каби жиноятлар сони тобора камайиб бораётгани кузатилмоқда. Кенг жамоатчилик иштирокида олиб борилаётган ишлардан қўзланган мақсад ҳам содир этилаётган жиноятларнинг вақтида очилишига эришиш ва олдини олишга қаратилган.

Шамсиддин ТОЖИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани суди раиси

САҲОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ДУНЁГА МАШҲУР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олимларимиз яратган иқлим шароитимизга мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ нави, мева, резавор экинлар ҳамда узумнинг 175 нави парваришланмоқда. Бунда пахта майдонлари қисқариб, мева-сабзавот, полиз ва узум етиштиришга ихтисослашган майдонларнинг кенгайиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад – хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган ана шундай юксак ютуқлар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

– Қўрғазманинг мунтазам ўтказилаётгани, иштирокчилар сонининг ошиб бораётгани Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришдаги обрўси ва нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради, – дейди Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Сергей Левин. – Биз Россияда Ўзбекистон маҳсулотларига талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, жорий йилнинг июль ойидан эътиборан икки мамлакат ўртасида “яшил коридор” тизими синон тариқасида ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир мазкур лойиҳани 2017 йилнинг охиригача тўлиқ ишга тушириш бўйича иш олиб бораёпмиз. Ярмарка мамлакатларимиз ўртасидаги соҳага оид ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро таъриба алмашиш имконини бермоқда.

Халқаро форум озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда 150 дан зиёд тармоқ корхоналари томонидан ҳўл ва қуруқ мева-лар, цитруслар, сабзавотлар, қўчатлар, полиз экинлари, дуққахли ўсимликлар, ёнғоқ, зираворлар, ичимликлар, қадоклаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид хизматлар намойиш этилмоқда.

“Ўзбекзоиқовқатхолдинг” холдинг компанияси бошқаруви раиси Тоҳир Жалиловнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги қулай сармоавий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётди. Хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Бугунги кунда 230 га яқин корхонаи ўзида бирлаштирган компания томонидан хорижий мамлакатларда 12 савдо уйи фаолияти йўлга қўйилгани маҳсулотларни чет эллик ҳамкорларга тўғридан-тўғри етказиб беришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу йил 28-30 август кунлари Рига шаҳрида ўтказилган Латвия – Ўзбекистон бизнес-форуми доирасида Латвия пойтахтида “Ўзбекзоиқовқатхолдинг” холдинг компанияси савдо уйини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Европанинг барча мамлакатлари, Скандинавия ва Болтиқбўйи давлатларига Ўзбекистондан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаб, етказиб берувчи логистика марказини ташкил этиш лойиҳасининг амалга татбиқ этилиши эса юртимиз маҳсулотларининг Европа Иттифоқи давлатларига кириб боришига замин яратди.

Қўрғазмада Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакиллариининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган компаниялар экспозицияларида кенг ўрин эгаллаган. Улар кенг турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини тақлиф этмоқда.

– Икки йилдан буён қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуришти ва уларнинг савдоси билан шуғулланмоқдамиз, – дейди Бухоро вилояти Жондор туманидаги “Бухоро агро экспорт” корхонаси директори ўринбосари Фаррух Нуров. – Мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Яқинда корхонамиз ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши натижасида қайта ишлаш даражаси бир неча бараварга ордди. Маҳсулотларимизни Россия, Хитой ва Ҳиндистонга экспорт қилмоқдамиз. Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида янги шериклар топиб, экспорт географиясини янада кенгайтириш мақсадидамиз.

Ярмарка доирасида экспортчилар ва Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари харидорлари ўртасида ўзаро учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши, тадбир иштирокчиларининг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, интенсив боғлар, музлаткичи омборлар билан танишуви режалаштирилган.

Мазкур нуфузли тадбир мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, таъриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истикболларини белгилаш, икки томонлама манфаатли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истикболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири З.Мирзаев сўзга чиқди.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қатор қонунлар маъқулланди.

"Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қонун шулардан бири бўлиб, у аҳолининг хуқуқий ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлашга қаратилган. Қонун асосида яратилаётган механизм жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг хуқуқий ахборотдан фойдаланишининг қулай тизimini яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилган. Мазкур база айти пайтда 30 мингдан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжати ўз ичига қамраган.

Жорий йил февраль ойида Президентимизнинг "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан тамомла янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарор ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида "Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб Сенатга тақдим этилган мазкур қонун ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мазкур қонун 4 боб, 28 моддадан иборат бўлиб, мақсади хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Қонунда хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари, ундан фойдаланиш ка-

рат бўлиб, мақсади хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Қонунда хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари, ундан фойдаланиш ка-

Янги қонун

ХУҚУҚИЙ АХБОРОТЛАР ВАҚТИДА ЕТИБ БОРАДИ

фолатлари мустаҳкамланган. Ундан вазириликлар, давлат қўмиталари, идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари ўрин олган. Таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштироки каби масалалар қамраб олинган.

Қонунда янги тушунчалар мавжуд. Жумладан, хуқуқий ахборот, хуқуқий ахборотдан фойдаланиш, хуқуқий ахборотни тарқатиш тушунчаларининг мазмунини баён этилган.

Қонунга кўра, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, уларга оид расмий шарҳлар, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари, Олий суд пленумининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйи-

ча қарорлари матнлари, шунингдек, суд амалиётини умумлаштириш материаллари хуқуқий ахборот ҳисобланади. Ошқоралик, очкилик, хуқуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлиги хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари сифатида белгиланган.

Хуқуқий ахборотдан фойдаланиш давлат томонидан қафолатланади. Фуқароларнинг хуқуқий ахборотни монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқи қафолатлари қучайтирилган.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга хуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятини

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 август кунги маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган учрашувидида ёш авлод тарбиясини замон талаблари даражасида ташкил этиш, уларнинг маънавиятини, дунёқарашини асраб-авайлашда юртимиз зиёлилари зиммасидаги масъулиятли вазифалар белгилаб берилди.

Давлат мукофоти соҳиблари

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Айни пайтда илм-фан, санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари вакилларининг машаққатли меҳнатини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш, уларни доимий рағбатлантириш борасидаги амалий ташаббуслар ижод аҳлини янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида"ги Фармони бунинг ёрқин далилидир.

Унга кўра, юртимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун биринчи даражали давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида атоқли мусиқашунос олим Отаназар Матёкубов ҳам бор.

Кейинги йилларда ёшларнинг мусиқий дили, бадний савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш, ўғил-қизларни миллий мусиқий мероснинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш мақсадига устувор аҳамият қаратилмоқда. О.Матёкубовнинг ўзбек классик мусиқасининг тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсири ҳақидаги тадқиқотлар туркуми ҳам айтиш мумкин. "Ёш геологлар" кичик олимпиадасининг Республика босқичида 267-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Абдулла Маъсудалиев ўзинини эгаллаб Россия давлатида ўтказиладиган Халқаро олимпиадага йўланмани қўлга киритди. "Яшил чирок", "Ораста кизлар" тавловларида ҳам ўқувчиларнинг юқори ўринларга муносиб деб топилгани алоҳида эътиборга моликдир.

300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари, жаҳон чемпионлари ака-ука Жавохир ва Исламбек Синдоровлар эришгаётган ютуқлар бугун барчамизни қувонтирмоқда. Айни дамда Жавохир 12 ёшлилар орасида жаҳоннинг 2-рақамли шахматчиси ҳисобланади. Жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида ёш шахматчимиз халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини ўзинини мартаба бажарди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мамлакатимиз миқёсидаги рекорд натижа ҳисобланади. Исламбек эса, шу йилнинг июнь ойида Беларуссияда ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлиб, яна бир бора жаҳон чемпиони бўлди. Бундай шараф ортида фидойий педагогларнинг, спорт устасларининг алоҳида меҳнатлари муҳасам. Зеро, устоз йўлларининг нурафшон айлағувчи йўлбоши эканлигини унутмаслигимиз лозим.

мусикаси асарлари" каби мусиқашуносликка оид асарлар мажмуаси миллий мусиқа санъатимиз бебаҳо намуналарининг ўзига хослиги, тарихи, ривожланиш таъмиллари, мусиқа таълимидаги улкан ўрни ва аҳамиятидан сўзлайди.

– Мусиқий меросимиз гоёт бой ва бетакор, – дейди О.Матёкубов. – Юқорида номи келтирилган тадқиқотлар миллий мусиқа санъатимизнинг чексиз уммонидан томчи холос. Жаҳонда ўхшаши ва тенги йўқ маънавий меросимиздан халқимиз, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш, бу йўлда қўллаб-қувватлаш тадқиқотлар олиб бориш – биз, мусиқашуносларнинг бурчидир.

Мусиқашунос олимнинг таъкидлашича, ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик миллий санъатимиз раванги, баркамол авлод тарбияси йўлида янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Миллий санъатимизнинг турли йўналишлари каби миннатиора санъати бой ва бетакорлиги, нафислиги, дунёда тенги ва ўхшаши йўқлиги билан халқаро миқёсда юксак эътироф этилган. Санъатшунос Шохалил Шойкулов "Замонавий Ўзбекистон миннатиора" китоб-альбомини учун иккинчи даражали давлат мукофотига муносиб топилди.

Мазкур китоб-альбом нафис санъат ривожланишининг тарихий босқичларини ўзида акс эттирган, камровининг кенглиги, миннатиора санъати тамаддунига оид маълумотларга бойлиги билан

белгиланган тартибда таъминлаш шарт. Хуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари ҳам қонундан ўрин олган. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш, уларни расмий эълон қилиш, норасмий эълон қилиш, хуқуқий тарғиботни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра хуқуқий ахборот тақдим этиш шулар жумласидандир.

Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра хуқуқий ахборот тақдим этиш механизмлари белгиланган. Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлари томонидан улар фаолиятига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш билан боғлиқ нормалар назарда тутилган. Давлат органларида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритишнинг мажбурийлиги белгиланган.

Қонунда норматив-хуқуқий ҳужжатлар эълон қилинганда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тартиби ҳамда ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонуннинг қучаги кириши ва ҳаётга таътиб этилиши хуқуқий ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш борасида аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишга замин яратди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга, пировардида халқнинг давлат органларидан рози бўлишга қўмклашади. Ўз навбатида, давлат органларининг ҳам аҳолини хуқуқий ахборот билан таъминлаш бўйича масъулияти ошишига хизмат қилади.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Конунчилик ва суд-хуқуқ масалалари
қўмитаси раисининг ўринбосари

ВАТАНИГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида мазкур олий таълим муассасасига қабул қилинган тингловчиларнинг "Ҳарбий ва божхоначи қасамёди"ни қабул қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда тегишли вазирилик ва ташкилотлар вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё минтақасида ягона Олий ҳарбий божхона институтида ҳозирги кунда божхона иши ва юриспруденция мутахассисликлари бўйича малакали божхоначи кадрлар тайёрланмоқда. Шу пайтга қадар мазкур даргоҳда таҳсил олган мингдан ортиқ божхоначи кадрлар ҳозирда республика-мизнинг турли божхона органларида хизмат қилаёттир. Давлат ҳокимияти тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиши божхона хизмати мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги ва иқтисодий маънафатларининг ҳимоясини эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Тоҳирий, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмаси раиси Д.Қудриддинов ва бошқалар божхона хизматининг энг муҳим мезони – адолатли бўлиш, қонунларга оғишмай амал қилиш эканлиги, божхона ходимидан нафақат ўз касбининг сирларини чўқур эггалаш, балки халқимиз маънавияти ҳамда олийжаноб ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этиши зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Институтида йўловчилар божхона расмийлаштирувини ташкил этиш, криминалистика техникаларини ўрганиш, интерактив электрон ўқув дастурлари ўрнатилган синфлар, божхона постининг моделлаштирилган ўқув аудиторияси, хорижий тилларни амалий ўрганиш лингафон аудиториялари, ҳарбий машғулотлар хоналари, божхона экспертизаларини амалга оширишга мўлжалланган замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория, автомобиль тайёр-гарлиги бўйича махсус ўқув тренажёрлар ҳамда транспортда амалий машқулар ўтказиш синфлари мавжуд.

Тренинг машғулотларини амалиётга яқинлаштириш мақсадида ўқув майдонида темир йўл вағони, автобус, фура ва контейнерлар келтирилган. Шунингдек, иккита замонавий ётоқхона, кутубхоналар, спорт мажмуаси, тренажёр заллари, тир, ёзги ва қишки сузиш ҳавзалари, теннис корти ва бошқа зарур иншоотлар тингловчилар ихтиёрида.

— Юртимиз божхонаси – Ватанимиз оstonасидир, — дейди тингловчи Шухратжон Равшанов. — Бу оstonанинг поклиги, ундан ёвуз ниятли ва ғаразли кимсалар ўтмаслиги кўп жихатдан биз бўлажак божхоначиларга боғлиқ. Бугун қасамёд қабул қилган биз, тингловчилар ҳам келажагда ана шу масъулиятни чўқур англайдиган божхона хизматининг профессионал ходимлари бўлиб етишиб чиқишга ваъда берамиз.

Тантаналар Олий ҳарбий божхона институти қошида ташкил этилган ҳаваскор ансамбль ва ҳарбий оркестр томонидан тайёрланган концерт дастурига улашиб кетди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Сергели туманидаги 8-умумтаълим мактабида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари, таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Сергели туман ҳокими Б.Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг бошқарма бошлиғи А.Носиров, Тошкент шаҳар педагог ҳодимлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори И.Исмаилов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Н.Мавлянова ва таълим соҳасининг бир қанча мутаассадди раҳбарлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, маънавий-маърифий ишлар бўйича ушбу раҳбарлари ва ўқитувчилар жамоалари иштирок этди.

Бугунги йилги таълимнинг чўқур таҳлил ва тақлифлар остида, педагог ҳодимлар учун фойдаланиш ва самарали тарзда ўтказишга қатъа эътибор қаратганимиз, — дейди Сергели туман ХТМФМТТЗБ мудири Мухайё Сайидкумримова биз билан суҳбатда. — Тадбирда қатнашаётган ҳар бир ўқитувчи ўтган ўқув йилидаги ишларини сарҳисоб этиб, меннинг таъриба ва малакам, касбий маҳоратим, тайёргарлигим қай даражада, бугунги кун талабига мосми, таълим самарадорлигини қандай воситалар орқали ошириш мумкин, деган саволларни ўзига берган ҳолда янги ўқув йилига жиддий тайёргарлик қўриши лозим. Лўнда қилиб айтилган бўлсак, бугунги кун ўқитувчиси, ёшларга таълим беришда ўз бурчига садоқат билан ёндашмоғи ва фидойиликни касб этмоғи керак. Чунки ўқитувчи маърифат нуруни соҳувчи, ўзиндан ёрқин из қолдирадиган заҳматқаш ва шарафли касб эгалари ҳисобланади.

Сергели туманида 24 та умумтаълим мактаби, 34 та мактабга таълим муассасаси фаолият олиб боради. Мактабларда жами 1600 нафар, мактабгача таълим муассасаларида эса 659 нафар педагог ҳодимлар фаолият юритмоқда. Туман педагоглари ва ўқувчилари турли хил танловларда

иштирок этиб совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Жумладан, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўйиқ-танловининг мамлакат босқичида 2-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Моҳидил Юлдашев ва биринчи ўринга сазовор бўлганини фох билан айтиш мумкин. "Ёш геологлар" кичик олимпиадасининг Республика босқичида 267-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Абдулла Маъсудалиев ўзинини эгаллаб Россия давлатида ўтказиладиган Халқаро олимпиадага йўланмани қўлга киритди. "Яшил чирок", "Ораста кизлар" тавловларида ҳам ўқувчиларнинг юқори ўринларга муносиб деб топилгани алоҳида эътиборга моликдир.

300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари, жаҳон чемпионлари ака-ука Жавохир ва Исламбек Синдоровлар эришгаётган ютуқлар бугун барчамизни қувонтирмоқда. Айни дамда Жавохир 12 ёшлилар орасида жаҳоннинг 2-рақамли шахматчиси ҳисобланади. Жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида ёш шахматчимиз халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини ўзинини мартаба бажарди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мамлакатимиз миқёсидаги рекорд натижа ҳисобланади. Исламбек эса, шу йилнинг июнь ойида Беларуссияда ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлиб, яна бир бора жаҳон чемпиони бўлди. Бундай шараф ортида фидойий педагогларнинг, спорт устасларининг алоҳида меҳнатлари муҳасам. Зеро, устоз йўлларининг нурафшон айлағувчи йўлбоши эканлигини унутмаслигимиз лозим.




Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси Моҳидил Юлдашев ва биринчи ўринга сазовор бўлганини фох билан айтиш мумкин. "Ёш геологлар" кичик олимпиадасининг Республика босқичида 267-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Абдулла Маъсудалиев ўзинини эгаллаб Россия давлатида ўтказиладиган Халқаро олимпиадага йўланмани қўлга киритди.

Йилнинг доирасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, бошланғич таълим сифатини ошириш омиллари, ўқувчиларга сифатли таълим-тарбия бериш, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мавзуларида машғулотлар олиб борилди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг касб малакасини ошириш, сифатли методик хизматни ташкил этиш, электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва дарсларни юқори савияда ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда туманининг тўрт нафар педагоглари "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" кўркак нишони, бир гуруҳ ўқитувчилар эса фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Билим, интилиш, изланиш бор жойда ҳамиша муваффақиятларга эришилади. Умид қиламизки, халқ таълими соҳаси вакилларининг сай-ҳаракатлари тудайли янгидан-янги юксак марралар забт этилаверади.

Гулнеҳра ДУРДИЕВА



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТҮРТЛИКЛАР

Кўнгилни кенг қилсанг бори сеники,
Муҳими, шу кўнгил зори сеники.
Бори билан яшаб бахт топганлар кўп,
Паст кетма, оламнинг ори сеники.

Куйинма, гулларинг сўлгунча вақт бор,
Қара, у яшнаган, қўлингда нақд бор.
Сен унга термилгин, термилиб тўйма,
Ахир у қўлингда, қўлингда бахт бор.

Сепилган сув сепган жойники,
Тун аввало юлдуз, ойники.
Баҳор завқи сен, мендан олдин
Сурон солган ўжар сойники.

Хикмат бу ҳақиқат сўзидаги нур,
Айтолса, одамнинг ўзидаги нур.
Шу боис қуёшга тик боқиб бўлмас,
Оламни ёритар кўзидаги нур.

Айтилган сўз қайтиб келмас ўқ,
Дардини ҳеч айтиб келмас ўқ.
Хуш ниятда нишонга тегса,
Ҳаёт бордир, асло ажал йўқ.

Интизор дил интилса хушдир,
Қўлдан кетган барчаси тушдир.
Йиғлаб етиб, қулиб кўришсанг,
Кутганинг шу - бу Ҳумо қушдир.

Кун битса, ёридан айрилар одам,
Кун келса, борида айрилар одам.
Берган бор, оларкан, қуникмай нетар,
Оридан айрилса абадий мотам.

Томчи тошни тешиш дегайлар,
Тешиб ўтса кенгмиш дегайлар.
Не яралмиш тақдири азал,
Бир-бирига емиш дегайлар.

Ўғлон бўлиб ўрни ол, болам,
Қирғий бўлиб қирни ол, болам.
Олсанг ол-у, лек вафо қилмас,
Одам бўлсанг дилни ол, болам.

Асил қадр қонда қалқигай,
Фурур бўлса жонда балқигай.
Фурури бор, қадр бор мардни,
Азал-абад эли алқай.


Ҳақ ҳукмига шукри бор зотлар,
Ҳар андуҳга урмас фарёдлар.
Эзгуликдан эҳромлар кийиб,
Элга Ҳақдан тилар имдодлар.

Оразингда осмон кўрдим мен,
Қалбинг ичра жаҳон кўрдим мен.
Узилмади умидим, шукр,
Худога хуш инсон кўрдим мен.

Жоҳил жаҳли қаҳри ичрадир,
Оқил ақли шарҳи ичрадир.
Шоирлар-чи, шоирлар десанг,
Шоир кўнгил чархи ичрадир.

Бахтга беклик йигит оридан,
Бекалик-чи, содиқ ёридан.
Ота-она яйраб яшасин,
Фарзандининг ифтихоридан.

Дил боғин қамоли хуш ният бўлғай,
Дил боғин заволи бадният бўлғай.
Дил ичра топганинг дил ичиндадир,
Ҳар дилнинг тумори тарбият бўлғай.



Таълим

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб таълим тизимини тубдан ислох қилишга, фарзандларимизнинг пухта таълим-тарбия олишига мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида фарзандларимизнинг тўлақонли билим олишлари учун барча имкониятлар яратилиб, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув анжумлари билан таъминлашга доир зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги 2017-2018 ўқув йилини муносиб кутиб олиш мақсадида, академик лицейнинг ўқув ва мусиқа биноси, ётоқхона, ошхона, тиббиёт пункти, кутубхона, спортзал ва спорт майдончалари замон талабларига жавоб берадиган даражада ўқув йилига тайёрланди.

Жорий ўқув йилида академик лицейнинг 5-синфига танлов асосида 150 нафарга яқин ўқувчилар қабул қилинди. Республика миқёсидан барча ҳудудлари-

дан келган мингга яқин ўқил-қизлар янги ўқув йилини мукамал ҳолга келтирилган ўқув масканида бошлаб юборишди. Академик лицейнинг моддий-техник базаси янада яхшиланди. Ўқув муассасасининг кимё, биология, физика хоналари тажриба жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, уларда амалий машғулотлар олиб бориш таъминланган. Хоналар кўр-газмали куруллар, техник воситалар ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганлиги, ўқувчиларда белгиланган барча мавзуларни тез ва тушунарли ўзлаштиришлари учун қўл келмоқда. Шунингдек, информатика хоналаридаги компьютер жиҳозлари янги ўқув йилига тайёр ҳолатга келтирилди.

Академик лицей кутубхонаси замонавий, тарихий ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан

тўлдирилганлиги сабабли ёшлар ўзлари хоҳлаган асарларини мутула қилишлари мумкин. Ўқувчилар ётоқхонасида барча шароитлар яратилиши, уларнинг мазмунли ҳордиқ чикаришларига замин яратмоқда. Ўқув масканида яратилган бундай шароитлар ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибордан далолат беради. Янги ўқув йилини ёруғ ва шинам, барча қўлайликларга эга бинода бошлангичдан ўқувчиларнинг кайфияти юқори даражада. Бу саъй-ҳаракатлар келгусида, албатта, юртга садоқат руҳида камол топаётган ёшларнинг чуқур билим олишига, Ватан тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан улғайишга, истиқболимизнинг порлоқ бўлишига кенг йўл очади.

Зайниддин ЎРИНБОЕВ

Жорий йил 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “O‘zbekit” миллий қадриятлар фестивалида ўзбек миллий урф-одатлари ва анъаналари, тасвирий ва амалий санъат намуналари ҳамда миллий таомлар намойиш этилади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

“Milliy” телеканали ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур фестивалда кенг жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиши кутилмоқда.

Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад жонажон юртимиз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш ҳамда ҳалқимизнинг азалий ва боқий мероси билан юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилигини яқинроқ таништириш, уларни намойиш этиш асосида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада раванқ эттиришга қаратилган. Халқ сайли кўринишига эга фестивалда амалий ва тасвирий санъат намуналари намойиши, маҳорат дарслари, халқ ўйинлари ва томошалари, миллий расм-русумлар, фольклор жамолар ва ўзбек эстрадаси вакилларининг концерт дастури каби қатор тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

– Фестивалнинг асосий воқеаларидан бири – бу пазандаларимиз томонидан тайёрланган миллий таомимиз – палов бўлади, – дейди “Milliy” телеканали бош муҳаррири Ҳ.Солиҳов. – Бу жараёнда Гиннес рекордлар китоби (Guinness World Records) вакиллари иштирок этиб, моҳир ошпазларимиз маҳоратини кузатиб боради. Тайёрланган паловнинг миқдори 8 тоннагача бўлиши ва экспертлар унинг миқдори бўйича жаҳон рекордини қайд этиши кутилмоқда. Айнан шу кун фестивалнинг барча иштирокчилари 50 дан ортиқ ошпаз тайёрлаган миллий таомдан татиб кўриш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, фестиваль оши “Муруват” уйлари ва ногиронларга тортиқ қилинади. Асосий тадбирлардан яна бири – Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида бўлиб ўтадиган “O‘zbekit” китобининг тақдироти. Китоб халқимизнинг қўп асрлик шонли тарихи, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга бағишланган.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА муҳбири**

Қатрлар

ГУЛЛАР АРМОНИ

– Ёшлигимизда боғимиздан булбул аримасди. Улар ҳар баҳорни ёқимли куйи билан кутиб оларди. Қариганимиз учунми, бизни буткул тарк этди, – деди қизил гул ёнидаги оқ гул.

– Булбулга ёшимизми, қаримизми барибир, тушунсанг-чи, – эътироз билдирди оқ гул, – ёшлик пайтимизни эслагин: “Ҳаво ҳам, сув ҳам қандай тоза, мусоффо эди. Ҳув оқаётган ариқ сувидан болалар нонни оқизоқ қилиб ер эдилар. Қара, ҳозир оқаётган сувларнинг аҳволини. Ифлос нарсаларнинг “витамины”га тўйинган.

– Тўғри айтсан, – атрофга паршон бокди қизил гул, – уйлаб кўрсам булбулжонга ҳам жон керак. Тоza, сўлима табииатни ёқтирарди у...

– Фикрингизга юз фоиз қўшилиман. Атроф мусоффо бўлганида булбул хатто мени ҳам тарк этмасди, – деди ариқ бўйида чириб бораётган қари тол.

АСАЛАРИ ВА КАПАЛАК

Бир гулдан асал ололмаган асалари иккинчи гулга қўнди. Боши билан шўнғиб, гул ширасини сўра бошлади. Сўнг бошқа гулни

мўлжаллади. Унинг ёнидаги гул япроғига атлас қанотларини пирпиратиб кўнган капалак асаларининг ҳаракатини ғашланиб қузата бошлади:

– Шундоқ атиргулнинг ҳам ҳиди ёқмадимми. Ё гуллар ифорининг фарқини билолмаяпсанми? – деди таманно билан.

Билмайдими асалари учун фақат ҳиддан не фойда? Ўнлаб қақирим йўлни йўл демай, минглаб гул косаларидан оз-оздан шира тўплаб, асал кашф қилади.

Фақатгина гул ҳидлаб, умр ҳаёти шу-да, деб юрган капалак бу ҳақда нима ҳам дерди, ўзига қараб тош қўяди-да.

БОЛА БОШИДАН

“Улғайса уйга тўсин ё синч бўлар”, деган умид билан экилган ниҳол. Бироқ у қаровсиз, ўз ҳолича қийишқ ўсди.

Боғбон эгри жойи тўри бўлсин, деб уни тиззасига тираб тортган эди, “қирс” этгандек бўлди. Эгилмади. Яна бир интилса синиб кетадиган. “Озуқасини берибмиз-у, бетартиб ўсишига бефарқ бўлибмиз-да. Энди энга келгунча азоб бермасан”.

– Вақт ўтганда чиришиб мени ҳам, ўзингни ҳам қийнапсан. Ёшлигимдан нега тўғрилаб ўстирмадинг? – боғбондан гинахонлик қилди ниҳол.

Боласининг тарбиясига ёшлигида лоқайд бўлган ота-она кейин роҳат ўрнига азоб чекади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан берилган Абдуллаева Матлуба Хабибуллаевнага тегишли бўлган Чилонзор тумани Қизил шарқ кўчаси, 21-уй, 197-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ASIA OIL BUSINESS” МЧЖ (ИНН 207097296) устав фондининг 661 000 000 сўмдан 601 000 000 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади. Даволат эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомидида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 266-66-61.

Тошкент молия институти жамоаси “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси доценти Ақтам Сапаровнинг онаси
ТУРДИХОЛ аянинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Нотариат, адвокатура ва ФХД органлари бўлими бошлиғи Элдор Бобоқулович Амиркуловнинг отаси
Бобоқул ота АМИРКУЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқин қариндошлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 8 сентябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи —

32-34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4741 нусxada босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтасига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Ғ-935

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.00